



ХАБААР

شېبەر

Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги наشري

1992 йил мартдан чиқа бошлаган

• 1993 йил, 22 октябрь № 43 (82) •

Сотувда эркин нархда

ТИНЧЛИККА ЧОРЛОВЧИ ОВОЗ

ТОШКЕНТ ТЕЛЕМИНОРАСИДА «ДУНЕ ТИНЧЛИГИНИ ЕШЛАР ЯРАТАР» МУЛОҚОТИ БУЛИБ УТДИ

Эрта тонгда мулоқот иштирокчиларини Республика ўқувчилар саройининг «Шодлик» дастаси аъзолари доира садолари остида кутиб олдилар. Фараҳбахш кўзининг бу мусоффо кунда уюштирилган тантанана Тошкент электротехника Алоқа олийгоҳи, Алоқа коллежи, Республика ўқувчилар саройи талаба ва ўқитувчилари ташриф буюришди. Барчанинг юз-кўзида шодлик ва кўнгли аломатлари. Шу кунги бхи содиқдан дунё телеминоралари ассоциацияси аъзоси, ўз кўрки-салобати, қулайлиги ва чиройи билан бу хилдаги иншоотлар ичида фахрли туртинчи ўринни эгалловчи Тошкент телеминорасидан бутун жаҳон ёшлари билан радиотелефон орқали бевосита мулоқотга киришилди.

Мулоқот иштирокчилари талабалар ясаган турли хил само ўчоқлари лойиҳасини кўздан кечирдилар. Телеминорадан туриб жонаҳон Тошкентимизни томоша қилиш бахтига мўъжасар бўлдилар. Кўз илғамас кенгликларга, муваззам кир-адирларга қадар ястаниб ётган маҳабатли пойтахтимиз юқоридан гоёта гўзал кўринарди.

Шундан сўнг йиғилганлар телеминоранинг мўъжазига махлислар залида тўпландилар. Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирининг биринчи ўринбосари Т. Ф. Раҳимов «Дунё тинчлигини ёшлар яратар» мулоқоти иштирокчиларини самимий табриқлаб, ўшбу мулоқотдан мақсад ёшлар қалбида алоқа касбияга меҳр-муҳаббат уйғотishi ва уларни замонавий алоқа жиҳозлари билан яқиндан таништириш эканлигини таъкидлади.

Табрик учун сўзга чиққан Тошкент шаҳар ҳокими Адхамбек Иброҳимович Фозилбеков ҳар йили дунёнинг турли минораларидан ёшларнинг очиқ мулоқот ўтказишлари яхши анъананага айланганини, бу эса курраи заманимизда тинчлик, дўстлик, ўзаро биродарлик ришталарининг янада мустаҳкам боғланишига асос бўлажанини кайд этиб, шундай деди:

Қосимовлар мулоқот иштирокчиларини кутлаб, бутун дунё ёшларига тинчлик, дўстлик ва биродарлик ҳамроҳ бўлишини тилаб қолдилар.

Тошкент телеминораси бошлиғи Умида Қодирова дил сўзларини изҳор этаркан, бугунги мулоқот рамзий маънога эга эканлигини, у ёшларни жалб эта билгани билан қимматли ва бетакрор бўлганлигини ай-



— Республикаимиз мустақилликка эришди. Бу неъматдан оқилона фойдаланмоқ лозим. Сизларнинг иштирокингизда бўлиб ўтаётган бевосита мулоқот бутун дунё тинчлигини тақомилли учун хизмат қилишига шак-шубҳа йўқ.

Шундан сўнг сўзга чиққан Республика ўқувчилар саройи директори Оля Жалолова Иброҳимова, Юнусобод тумани ҳокими Адхам Каримович

тиб, «Дунё тинчлигини ёшлар яратар» мулоқотини ташкил этишда яқиндан ёрдам берган Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги раҳбариятига ва Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ҳокимиятига ўз миннатдорчилигини билдирди.

— Алоқачи касби муқаддас кесб,— деди У. Асророва ўз фикрини аёнларкан.— Мен ўз касбимни севман. Сиз ҳам уни севинг, ардоқланг...



Алоқа вазирлиги муовини Т. Ф. Раҳимов яқин пайтга қадар (ўшанда 11 дан 30 дақиқа ўтганди) дунёнинг 11 давлати билан икки юз йигирма секкизта мулоқот ўтказилганини айтarkan, гулдурас қарсақлардан бири ларзага келди. Шодликларининг чеки йўқ эди. Уша кунги Республика ўқувчилар саройининг «Чаман» шуъла ва рақс дастаси ўз кў-

шиқ ва рақслари билан мулоқот иштирокчиларини хушнуд этишди.

Чехларга сурур, кўнгилларга бахт ва шодлик бахш этган, курраи заманимиз одамларини тинчликка, ҳамжihatликка чорлаган овоз — «Дунё тинчлигини ёшлар яратар» мулоқоти эртаси кунги ҳам давом этди.

Ю. РАСУЛОВ

БУГУНГИ

СОҶДА:

- ТОШКЕНТИН ЖАҲОН ТИНГЛАЙДИ
- АЛОҚА ХИЗМАТИ СИЗГА МАЪҚУЛМИ?
- ЭЛИНИ АРДОҚЛАЕТГАН ЭР ИГИТ
- ЧИРОҒИНГИЗ КУНИБ ҚОЛСА...

КЕЛГУСИ

СОҶЛАРДА:

- ЯНГИ СТАНЦИЯНИНГ КЕЛАЖАГИ ПОРЛОҚ
- ВАЗИЯТНИ УНГЛАШ МАҚСАДИДА
- ҚАЧОН ТЕАТРГА БОРГАНСИЗ?
- ТИРИКЛАЙИН КҶМИЛГАН ЖОНИВОРЛАР

ШУ СОҶГА ШОШИЛИНЧНОМА

«ХАБААР» ГАЗЕТАСИННИНГ БОШ МУҲАРРИРИГА

Фарғона вилоятининг Сўх туманидаги Ровон почта алоқа корхонасидан 36 нафар, Ровон электр алоқаси корхонасидан 14 нафар, ишчи-хизматчи 1994 йил учун газетангизга ёзилиши. Обуна давом этмоқда.

Ровон почта алоқа корхонаси бошлиғининг ўринбосари АБДУРАҶМОҶОВ

«Хабар»га обуна бўлдингизми?

1994 йилги матбуот нашрларига обуна давом этмоқда.

Бозор иқтисодиёти шароитида маданият, маънавият ва умуминсоний қадриятларнинг муҳим кўзгуси бўлиши матбуот ҳам муҳим синовдан ўтмоқда.

Имонимиз комилки, келгуси йилда ҳам «Хабар»нинг мухлислари асло камаймайди. 1993 йил давомида газетамизни донимий олишган муштарийлар ўз вақтида келгуси йил учун обунани расмийлаштирадилар. ГАЗЕТАМИЗНИНГ ОБУНА ВАҲОСИ БИР ОИГА 260 СжМ, 3 ОИГА 780 СжМ, 6 ОИГА 1560 СжМ, БИР ИИЛГА 3120 СжМ. ИНДЕКСИ — 64600.

ОЛАМДА НИМА ГАП ?

* ЯНГИЛИКЛАР * ХАБАРЛАР * ВОҚЕАЛАР *

● Хоразм вилояти пахтакорлари йиллик пахта тайёрлаш режасини удалашди. Улар эл хирмонига 310 минг тонна пахта етказиб беришди. Бу ғалаба билан хоразмлик деҳқонларни Ўзбекистон Президенти И. Каримов табриқлади.

● Халқ депутатлари Сурхондарё вилоят кенгашининг сессиясида Ўзбекистон Президенти И. Каримовнинг Сирдарё вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама этилди.

● Қозғонистон Президенти Н. Назарбоев буюк қозоқ ёзувчиси Абайнинг янги таржималарини нашр эттириш учун ўзи ишлаб топган қалам ҳақидан 100 минг доллар ажратди.

● Қозғонистоннинг Еттисой шаҳрида Жамбул, Чинкент, Жиззах, Сирдарё ва Тошкент вилоятларидан борган ҳаваскорларнинг «Мерзоғул юлдузлари» санъат кўрғини

бўлиб ўтди. Унда энг яхши ижроачиларга 100 минг сўмдан 1 миллион сўмгача пул мукофотлари берилди.

● Россия Президенти Б. Ельцин 12 декабрь кунги сайловлар билан бир пайтда мамлакат янги Конституцияси лойиҳаси тўғрисида референдум ўтказиш ҳақида фармон чиқарди.

● Туркманистон давлат банки миллий валюта жорий этилиши билан балоғат ешига етган фуқароларга 30 минг рубль алмаштириб берилишини маълум қилди. Бу республикада миллий валюта — манат шу йил 1 ноябрдан муомалага кириштирилиши керак.

● Хабаровскда истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилишга эътибор берилмоқда. Йил бошидан бери харидорлар талабини инобатга олувчи хизмат 1,5 мингта ишни кўриб чиқти ва уларга 19,2 миллион сўмни қайтаришини лозим топди.

● Шу йил 3—4 октябрь кунлари юз берган давлат тўғрисида бостириш мақсадида Москвага олиб келинган харбий қўшилмалар РФ пойтахтидан олиб чиқилди. Улар буйдан кейин доимий хизмат жойини эгаллашади.

2

Янгиликнинг дунёга келиши ҳамма вақт ҳам қийин кечган. Шу боис янги, бозор иқтисодиёти муносабатлари тизимида ўтишдаги қийинчиликларга ажабланмасамиз бўлади. Айниқса, жойлардаги алоқа корхоналари мушкул аҳволда қолиши.

Юзага келган аҳвол ва уни бартараф қилиш имкониятлари тўғрисида мухбиримиз Самарқанд вилоятидаги Полярск тумани электр алоқа бўлими бош муҳандиси Раббир Уролов билан суҳбатлашди.

кўра туманимизнинг анчагина катталиги, юзлаб километр алоқа симлари зарурлигини тасаввур қилиш қийин эмас.

— Назаринда, ҳўжаликлар билан алоқа анча заифлашган кўринади?

— Албатта-да. Асосий муаммоларимиздан бири ҳам шунда. Ҳозир давлат ва жаммоа ҳўжаликлари мустақил бўлиб кетишган. Барча ташкилотлар ҳар қадамда ўз ҳўқуқини пеш қилади. Аҳвол

тежкор ҳаракатларимизга катта путур етказмоқда. Ортиқча югур-югур, қоғозбозлик билан шуғулланишга, ҳар кимнинг қовоғига қараб иш кўришга тўғри келмоқда.

Албатта, иш сифати, самарадорлигига халақат берувчи барча ҳўлларнинг оддий одамлар, алоқа хизматидан баҳраманд бўлишни хоҳловчилар учун бўлмагани афзал. Бироқ қишлоқ жойлардаги алоқа хизмати ни яхшилаш, шароит оғирлигига қарамадан аҳоли эҳтиёжини иложи борица тўлароқ қондириш, хизмат сифатини юқори кўтариш соҳадаги етагчи муаммоларга айланиб бораётганидан кўз юмиб бўлмайди. Виз ўйлаёмизки, жойлардаги ҳўқимнинг, қишлоқ кенгашлари, раҳбар ташкилотлар, маҳалла кўмиталари билан ўзаро фойдали ҳамкорлик асосида иш юритилса, ҳозирги аҳвол сезиларли даражада яхшилانган бўлар эди. Бу эса алоқачилардан нафақат савияни (бу тўғрисида, афсуски, мақтана олмаемиз), балки ташкилотчилик қобилиятини ҳам талаб қилади.

Ф. МАМАРАСУЛОВ
суҳбатлашди

СИЗГА ҚАНДАЙ ХИЗМАТ КўРСАТИШМОҚДА?

Жойларда кўрсатилган алоқа хизмати хўсусида мижозларга кўйиндаги саволлар билан мурожаат қилдик:

1. Ҳозирги алоқа хизмати сизни қониқтирмайдими?
2. Алоқа хизматини янада яхшилаш учун қандай таклифларингиз бор?
3. Жумҳуриятимизда алоқа хизмати қандай бўлишини истардингиз?

Г. ЭРГАШЕВ, муҳандис: — Алоқачилар барча янгиликдан биринчи бўлиб оғоҳ этувчилар ҳисобланамиз. Шундай экан, улар тежкор бўлиб, мижозлар кўнглигини топиб хизмат қилиши айтиш мўддао бўларди. Мен касбим таъминотчи муҳандис бўлганимга тўғрисида алоқа хизматидан кўпроқ фойдаланишимга тўғри келади. Батван МДХ давлатларига телефон қилиш зарур. Аммо гоҳида жуда қийналаман. Модомки, мустанкилликка эришган эканмиз, демак, бизда ҳам тежкор ва замонавий техникалар билан таъминланган алоқа хизмати бўлиши керак.

М. ИКРОМОВА, нафақачўр: — Почта хизмати бундан ҳам яхши ишлангани истардим. Ҳозирги кунда кўрсатилган хизмат мени қаноатлантирмайди. Каминга алоқа бўлимига нафақа олишга бораман, холос. Шунини уйга келтириб беришса биз қариялар хурсанд бўлардик.

Телефонлар ҳам кўнглидагидек ишламайди. АТСга кўнроқ қилсангиз, умуман, кўлоқ солишмайди.

М. ВОЗОРОВА, талаба: — Жумҳуриятимиздаги ҳозирги иқтисодий қийинчилик биз талабаларнинг уйга бориб келишимизни анча қийинлаштирди. Шу боис почта хизмати орқали ота-онамиз билан хабарлашиб туришимиз. Умуман, алоқа хизматидан мамнунмиз. Аммо шаҳарлараро телефон орқали гаплашганда сўзлашув хоналари кўпайтирилса, мижозлар бунчалик кўтиб қолишмасди. Мустақил республикамизда алоқа хизмати янада яхши йўлга қўйилишини ва ҳар бир хонадонда телефонлар бўлишини истайман.

Б. МАМАНАЗАРОВА, а. ҳамшира: — Хат, хабар, шопингчюмаларни ўз вақтида олиб тураемиз. Аммо телефонимиз тез-тез ишламай қолади. Аҳолидан қўшаётган шикоятлар инобатга олиниб, алоқа ходимлари мижозларга кўнглидагидек хизмат кўрсатишса, нур устига атола нур бўларди. Бу соҳа ўзининг тежкорлиги билан ажралиб туриши лозим.

Жавобларни
И. АҲМЕДОВ
ёзиб олган

ТАШКИЛОТЧИЛИК ДАРКОР...

то бизнинг оғоҳлантиришларимизга ҳам эътибор бермайдиганлар бор. Қарши чора сифатида уч кун телефонини «узсак», олти ой-

дан бери телефоним ишлагани йўқ, деб келишади. Хизматга тўғмак деб шунини айтадиларда...

Ҳозир қарамоғимизда 3250 симли (яъни шунча телефонга хизмат қилувчи) 11 та станция бор. Шунга

шундайки, жойлардаги ҳўжаликлар ҳўдудларидеги алоқа корхоналарини ўз балансига киритган. Бу дегани — алоқа бионалари, ишроотлари, манзили амалда ҳўжаликни демандир. Моддий жиҳатдан ортиқча қарамлик бизнинг эркин ва

ВАЗИЯТНИ ЎНГЛАШ МАҚСАДИДА

Бугунги кунда жумҳурият электр алоқаси корхоналарида хизмат ҳақини ўз вақтида тўламаслик ҳўсобига қарздорлар сони кўпайиб бормоқда. Корхона, ташкилот, аҳоли телефондан фойдалана туриб, ўз вақтида хизмат ҳақи тўлашни эсдан чиқариб қўйишаптир. Гоҳида шундай бўладими, алоқа корхоналарининг йил давомида топган 100 фоиз маблағи қарздорлар зиммасига тушмоқда. Ҳозирги кунда бу рақам 1 миллиард сўмдан ортиб кетди.

Хўш, бу ҳўлатда алоқачилар қандай йўл тутуши ке-

рак? Хизмат ҳақи тўламанганлиги учун телефон узиб қўйилсинми? Ёки бўлмаса қарз суд орқали ундириб олинсинми? Алоқачилар бу муаммони ҳал қилиш мақсадида инки ўртадаги шартномада телефондан фойдаланганлиги учун хизмат ҳақи тўламаганларга катта жарима солиш кераклиги хўсусида қўшимча киритишга мажбур бўлишди.

Телефон учун хизмат ҳақи ошган бир пайтда айрим шахслар балки ундан фойдаланишдан воз кечишар? Ўзўзиндан телефон тармоғи бирмунча қисқариш эҳтимоли ҳам йўқ эмас. Жорий йилда

мижозларнинг илтимосига кўра 44 мингта телефон аппарати узиб қўйилди. Беш мингдан кўпроқ маҳаллий ва шаҳарлараро телефон-автоматлар ишлатилмайдиган бўлди. Уларнинг айримлари ни мутлақо тузатиб бўлмайди, айримлари фақат зарар келтиради.

Радио нуқталаридан фойдаланиш ҳам қониқарли эмас. Мижозлар рамизий равишда ойнага 30 сўмдан ҳақ тўлашлари лозим. Аммо уни ҳам ўз вақтида тўлашмайди. Алоқа корхоналарининг раҳбарлари ва мутахассислари юзага келган вазиятдан чиқиб йўлларини излашмоқда.



Техника билан мулоқот.

Сураткаш Р. АЛБЕКОВ

СУВ ОСТИ ТЕЛЕФОНИ

узюқдан эса одатдаги телефон кабеллари ёрдамидагина гаплаша олишмайди.

Бироқ бу хилдаги мулоқот ўрнатилган давраларнинг эркин ҳаракатланишига йўл қўймайди. Инглиз муҳандисларидан Гейзи ва Моррис ихтиро қилган қисқа товушли асбоб шу қийинчиликни бартараф этиш йўлида айтиш мўддао бўлди. У 129 килогерц кучланишдаги частоталик модуляция талабиде ишлайди.

Мазкур алоқа воситасига тўлқин шовқини таъсир қилмайди, унинг ёрдамида 2 километр гача масофа ораллигида гаплашиш мўмкин.

«ШАРҚ ЮЛДУЗИ» ЖУРНАЛИ ЎҚУВЧИЛАРИГА

Қадрли дўстлар!
Азиз муштарийлар!
Ҳозирги моддий қийинчилик «бозор иқтисоди» деб аталган муносабатлар даврида ҳеч кимга осон тутиб бўлмайди. Қоғоз, матбаа, йўлиқара ҳаражатлари кескин ошиб кетгани туфайли чинакам ижодкорларнинг инсон қаддини дарзага солувчи чинакам асарларининг чиқарилиши қийин бўлиб қолди. Лекин, баарибир, кечаги, бугунги ва

эртаги кунимиз ҳақида ёзиш учун, ҳалқимизнинг ўзлигини англаб олиши учун, юртимиз яна қайтадан империя бўйинтуруғини бўйинга илмаслиги учун, бориники, Ўзбекистон Истиқлолини ҳимоя қилиш учун Маънавият деган ноёб тушунчани асрашимиз шарт. «Шарқ юлдузи» журнали шу нурли мақсад йўлида хизмат қилувчи адиб ва шоирлар, олим ва мақолаанисларнинг кўз тикчан ва умид қилган йирик ойнамаси эканини яхши биласиз. Журнал ўз саҳифаларида узоқ ва

яқин ўтмишимиз, кеча ва эртаимиз, дўст ва душманларимиз ҳақидаги ҳақиқатни тасвирловчи асарларни эълоқ қилиш билан Ўзбекистон мустақиллигига баҳоли кўдрат кўмаклашди ва бундан кейин ҳам кўмаклашди. Зеро, Ўзбекистон Истиқлоли ҳам бизга энг аввало маънавий бойликларимизни қайтариб берди. Ҳақиқат, Адолат, Инсонни авайлаш деган муқаддас тушунчалар Истиқлол мевасидир. Худо хоҳласа бу таъқиқлар, «ўтиш даври» деган гаплар чиндан ҳам ўтиб ке-

тади. Муҳими, биз нуқул қорин тўдириш, яхши кийишиш ғами билан андармон бўлиб, инсоний туйғуларни унутиб қўймасак бас. Оч қоринини тўдириш осон, оч маънавият ўрнини тўдириш эса мушкул. Мана, 1994 йил учун обунга бошланди. Биз «Шарқ юлдузи»ни иложи борица кўпроқ одам ўзининг деган ниятда журналнинг ҳар бир сони нарҳини 300 сўм, йиллик обуна баҳосини эса 3600 сўм деб белгиланган эдик. (Катаюгда ҳам шу рақамлар қилиб этилган). Ҳисоб-китоб қилиб кўрсак, бунча маблағ қоғоз сотиб олишга ҳам етмас экан. Шу боисдан «Шарқ юлдузи»нинг ҳар бир сони нарҳини 1994 йил учун 600 сўм, йиллик обуна баҳосини эса

7200 сўм деб белгиланган мажбур бўлдик. Обуна билан алоқадор барча ташкилотлар, алоқа бўлимлари, барча вилоят, туман ҳўқимиятлари, ташкилот, корхона, илм, ўқув даргоҳларига маълум қилмадик. «Шарқ юлдузи» журналининг 1994 йил учун обуна баҳоси — 7200 сўм. Олти ойна — 3600 сўм. Журнал индекси — 75458. Етмиш йилдан бери чиқиб келган севимли ойнамангизнинг эртанги қисмати сизларнинг сайёҳи ҳаракатинизга, «Шарқ юлдузи»га қанчалик фаол муштарий бўлишингизга боғлиқ.

«Шарқ юлдузи» меҳнат жамоаси ва жамоат кенгаши.

Тўйхат урнида

СЕРМАЗМУН УМР



Мирослав Бачинскийни Узбекистонда танимайдиган, билмайдиган алоқачи топилмас керак. У умрининг деярли 40 йилини машаққатли касбига — алоқа биологларини қуришга сарфлади. 1956 йили Львов политехникумининг тугаллагач, йўллама билан Тошкентга келди ва тақдирини шу юрт билан боғлади. Қўриқ ерларни ўзлаштиришнинг энг қизгин даврида у иш устаси, кейинчалик эса алоқа қурилиш-монтаж ташкилотининг бошлиғи бўлиб ишлади. М. Бачинский бошчилигида қурилган АТСлар, кўпдан кўп алоқа тармоқлари бугунги кунда бекаму-қўст ишлаб турибди.

Малакали мутахассис 1962 йили Тошкентдаги радиолоштириш қурилиш-монтаж бошқармасининг ишлаб чиқариш техникавий бўлимига бошлик этиб тайинланди. «Ўзбеклоқақурилиш» трести ташкил этилган, М. В. Бачинский унинг бош муҳандиси бўлиб ишлайди.

Маъзур қурилиш ташкилотининг бошлиғи сифатида у алоқа биологларини қуриш, таъмирлаш ва замонавийлаштиришда катта ҳисса қўшди.

Сўнгги йилларда Мирослав Василевич пойтахт вилоятидаги қурилиш объектларида фаолият кўрсатмоқда. У бошлиқ вилоят алоқа бошқармаси қoшида ташкил этилган хўжалик ҳисобидиги таъмирлаш-қурилиш бўлими жамоаси самарали меҳнат қилмоқда. Жонқуяр инсон ўз ҳаёти давомида ҳақлол меҳнат орқали ҳурмат ва эътибор қозонади. Бугунги кунда ҳамкасблари М. Бачинскийнинг 60 йиллигини кенг нишонлашмоқда. Тиниб-тинчимас инсон, сермазмон умр соҳибини ҳақон сарфда.

К. АЛИЕВ

ЭЪТИБОР ВА ҲАЛОЛЛИК ЗАРУР

Одатда, ҳар бир соҳа ҳақида гапирганда биз таъминот, сифат, янгича технология масалаларига кўпроқ тўхталамиз. Мавжуд имкониятлардан унумли ҳамда ишлаб чиқариш ускуналаридан тежамкорлик билан фойдаланиш масалаларига эса ҳар доним ҳам эътибор берилармикин. Агар бу соҳага эътибор берилганда эди, Тошкент сиргаши шаҳри азиямда таксофонлар деярли яроқсиз ҳолда ётмаган бўларди. Бундан ташқари, хизмат кўрсатиш маданияти ҳам бор. Худди шу муаммо кимият кишиларнинг маданият даражасини белгилайдиган бир омилдир. Алоқа корхоналарида халқ оммаси билан мулоқот қилинади.

Яқинда биз Жиззах вилоятининг Марказий алоқа уйида бўлдик. Жиззахнинг бош кўчаси, Марказий майдони бор. Вилоятнинг асосий алоқа идораси ҳам худди шу ерга, вилоят ҳукумати уйининг ёнгинасига қурилган. Ташқи кўринишига қараб баҳолайдиган бўлсангиз, бу бино республика миқёсидаги кўркам қoноналардан асло қoлишмайди.

...Бизнинг мақсадимиз Тошкент шаҳри билан телефонда гаплашиш эди. Тошкентда бу опна-осон иш, уйдан ҳам код орқали боғланиш мумкин.

Бу ерда шаҳарларро сўзлашув зали ҳайратдек. Бу зал бир пайтлар гўяг чиройли бўлганлигини пайқаб олиш қийин эмас. Аммо ҳозир баъзи жойлардаги юққа тахта фанерлар кўчган, тешикланган. Деворларидаги нақш ва суратлар аллақачон кирланган. Шу боис зал кишида нохуш бир таассурот уйғотади. Бунинг устига у ҳувилаб ётибди. Турда, бир четдаги кичик дарча, ёнида 3-4 та одам тўпланиб турибди, холос.

Зал бефайз ва қаровсиз бўлса ҳам, биз учун муҳими Тошкент билан гаплашиш эди. Шу умидда халғини дар-

чага мурожаат этдик.

— Шаҳарларро гаплашадиган телефонларга жетон борми?

Навбатчи аёл қўлимизга ўнча «ўн беш» тийиндик танга тутқазди. Унинг ҳар бири ўн олти сўмдан эканлигини айтди. Тангаларни олиб, қатор турган телефон-автоматларни бир бошдан синаб кўра бошладик. Шаҳарларро телефон апаратларининг биттаси ҳам ишламас экан!

Бу идорадаги лоқайдлик кишини беихтиёр ҳайратта солади. Телефонларнинг қўли ташланмиқ ҳолатда. Баъзиларнинг эса бутунлай «ичак-чавоғи» сугуриб олинган. Эшик-даразалари бутуни, қўлфлогли турадиган, шаҳарнинг муҳташам биносига бу ахвол кишини ҳайратта солмаслиғи мумкин ҳам эмас-да!

Ниҳоят, Тошкентга қўнғир қила олмаслиғимизга кўз етгач, халғини дарчага яна мурожаат этдик:

— Кечирасиз, залдаги телефон апаратларининг би-рортаси ишламаётганидан хабарингиз борми?

Ичкаридан рус тилида беканид, қўпол жавоб эшитилди:

— У билан бизнинг иш-миз йўқ!

Епирай, бу қанақаси! Шу залда ишлаётган, шаҳарларро алоқа учун хизмат қиладиган, ҳозиргина апаратлар орқали алоқа боғлаш учун ўн тангалар берган бўлсаю, уларнинг ишлаётган-ишламаётганини қизқитирмасми?! Новаж яна сўраймиз:

- Бўлмас кимга мурожаат этамиз?..
- Муҳандисларга,
- Улар қаерда?
- ...

— Сиз бевосита шу ерда бўлганингиздан кейин апаратлар ишламаётганини муҳандисларга айтиб қўсангиз бўлмайди?

— Қиладиган бошқа ишларим қўп...

Аслида мана шу телефон апаратлари миқозлар оғи-

рини енгил қилиш учун сотиб олинган ва ўрнатиб қўйилган. Ҳалиг вафатдек келадиган дарча ёнида ўрналганлар ҳам шу автоматлар ишламаётгани учун ўша «оператор» опадан турли шаҳарларни ўзлари улаб беришини илтимос қилиб туришган экан. Биз ҳам улар ортидан навбатга турдик.

«Тошкентни улаб беринг», деб буюртма бердик ва тангаларни қайтариб олишни илтимос қилдик.

Дарча ичидан «Мен сизга ҳеч қанақа танга берганим йўқ» деган овоз эшитилди. Биз телефон-автоматлар билан шуғулланганда аллақачон навбатчи оператор алмашибди. Бироқ бу навбатчи ҳам худди илгарисидек муомаласи гўяг қўпол ва у ҳам рус тилида ўта беканидлик билан гапирар эди.

— Барибир ўн беш тийинли тангалар сизга керак-ку. Қолаверса, бу топилмас матоҳни мен сизлардан «жетон» сифатида олдим.

— Олган бўлсангиз, сизга сотган кишига топширинг! Дарча шарақлаб ёпилиди.

Ниҳоят, биз операторга муҳбир сифатида мурожаат этдик.

Шунда қаршимиздаги оператор, ўзини бўлим бошлиғи деб таништирган Тамара Михайловна Ватрушкина биринчи тадбир сифатида гўё «жетон»лар пулини қайтарган бўлди ва қўлимизга қалғи тангаларнинг қийматини — бир сўму эллик тийини ҳисоблаб икки сўм тутқазди ва «майли мендан — ярим сўм кетса кетибдида», — деди.

— Буни бизга ҳозиргина қанчага сотганини билдирсанми? — дедик ҳайрон бўлиб.

— Хўш, қанчага?

— Ҳар бирини ўн олти сўмдан сотди.

— Бўлиши мумкин эмас! — деди Т. М. Ватрушкина.

— У ҳолда ўша операторни топасиз, — талаб қилдик биз ҳам.

Бизга тангани сотган оператор Айше Муслимова деган аёл экан. Тўғриси, гап ўша операторнинг кимлигида эмас, ташкилотда ягона молиявий тартибнинг йўқлигида, бу ердаги хизматчилар доимо миқозлар ҳақида кўз олайтиришга тайёр турганидир.

Т. Ватрушкина гап ўз бўлимига тегишини дарҳол англади ва «жетон» қийматини тезда тўлаб юборди. Шундан кейингина телефон апаратларининг ишдан чиққанга парво қилмаётган алоқа хизматчилари ўзлари «ёбозор» очиб, мўмай пул ишлаётгани ҳақимизга келди. Акс ҳолда жетон нархини бўлим хизматчиси ва ходими икки хил баҳоламасдилар.

Биз бу ерда фақат бўлган ва кўрган воқеалар ҳақида ёзмаётганимиз, Муамалон Жиззах вилояти алоқа тизими раҳбарлари чуқурроқ таҳлил этишар. Бироқ ушбу ташкилотдаги молиявий беқарорлик, таъмағирликдан ҳам баттарроқ ҳол — ходимларнинг нисонга, миқозларга беканидлик, қўполлиги ва давлат тилини менсимаслиғидир. Жиззах шаҳрида тўқсон фойз давлат тилида гаплашадиган аҳоли яшайди. Таниқли давлат арбоблари етишиб чиққан вилоятдан нарҳотки бир ширинсухан, давлат тилини биладиган алоқачи-оператор чиқмасми?! Жиззахлик алоқачилар давлат тили ҳақидаги қонун ва фармойишларни бақаришга нега панжа орасидан қарайдилар?!

Мана шу ҳол ҳам кейинги пайтларда нуқул «у йўқ», «бу йўқ» дея зорланишларимиз кўруқ баҳона эканини кўрсатиб турибди. Ахир борида фойдаланиш, мавжуд ашёлар умрини чўзиш ҳақида ҳам бош қотирайликда!

Тадбиркорлик ва тежамкорлик бўлиш иш тугтасак, гапга тегаетган майда иллатларга тезроқ барҳам берсак рўшноликка ҳам шунча барвақт эришамиз. Буни ал хизматда камарбаста бўлиб ўтирган мутасаддилар унутмаслиғи лозим.

Рашид РАУПОВ, «Хабар»нинг махсус муҳбири

ЭЛЕКТРОН АТС ҚУРИЛМОҚДА

«Ўзбеклоқаинвест» концернининг қурилиш-монтаж бошқармаси бандида катта фойз ҳисобига қарз кўтариб, Тошкент шаҳри марказида 10 минг рақамга ага бўлган электрон 37-АТСни бунёд этмоқда. Айни шу кунларда кабель ётириш ишлари олиб бориляпти. Бу юмуш машаққатли меҳнатни талаб этади. Уфа шаҳридан АТСга асбоб-ускуналар келиши кутилмоқда. Шунга айтиш лозимки, «Бета» концерни томонидан қўзда тутилган ускуналар юборилиши ва уни ўрнатишда завод мутахассисларининг кечроқ иштирок этишига асосий сабаб ҳисоб-китоб ишларидаги узилдилардир. Ҳозирча Ўзбекистондан юборилган маблағ уфаликларга ўз вақтида етиб бормапти. Яқинда Москвада бўлиб ўтган Мустақил давлатлар Ҳамдўстлигида аъзо бўлган давлатлар раҳбарларининг учрашувидан сўнг бу муаммо ҳал этилиб, ускуналар ҳақи тўлангач, улар Тошкентга келтирилишига умид қилиш мумкин. Уфадан харид қилинган асбоб-ускуналар замонавий

талабларга жавоб бериб, миқозларнинг телефон орқали боғланишини таъминлаш билан бирга бошқа қўшимча хизматларни ҳам амалга оширишга қодир. Малакали муҳандислар ихтиёрида бўлган электрон ҳисоблаш комплекс миқозларга ҳар томонлама қўлай хизмат қилишни ўз зиммасига олади. Янги АТС хизмат қилиши мумкин бўлган рақамлар жадалли тузиб чиқилмоқда. Шунга кўра 32, 33, 34, 35, 67 ва 68-АТСлардаги телефон рақамлари янги электрон автоматик телефон станциясига ўтказилади.

Шунга айтиш лозимки, янги АТС тижорат усулида бунёд этилмоқда. Бу шунга аниқтадиги, жами кетган сарф-харажатлар телефон тушириш учун тўланадиган хизмат ҳақи ҳисобига қопланади. Албатта, янги тарифлар бўйича бу анча юқори бўлади. Тахминий ҳисобларга кўра, битта телефон тушириш учун камида 250-300 минг сўм тўлашга тўғри келади.

А. КУДИНОВ

ТЕЛЕСТУДИЯ

ИШГА ТУШИРИЛДИ

Бухоро телестудияси ўзининг дастлабки бир соатлик дастурини намойиш қилди. Тожошайилар эътиборига «Бухоро Шариф ва «Омега Ситора» корхоналарининг фаолияти, Ваҳоуддин Нақибанднинг 675 йиллигига бағишланган кўрсатувлар, пахта теринининг бориши хусусидаги репортажлар ҳақида қилинди. Кўрсатувлар ўзбек, тожик ва рус тилларида олиб борилды.

БЕВОСИТА ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИ ЎРНАТИЛДИ

Шу йилнинг охиригача Озарбайжон ва Италия ўртасида фазоий йўлдошлар орқали бевосита телефон алоқаси ўрнатилди. Бу хусусда Бокуда Озарбайжон Алоқа вақарлиги ва Италиянинг «Телеспасно» фирмаси ўртасида шартнома имзоланди.

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АЛОҚА-ЗИРЛИГИГА ҚАРАШЛИ ТОШКЕНТ ЭЛЕКТРОТЕХНИКА АЛОҚА ОЛИЙГОҲИ:

Каналлар бўйича ахборот узатиш қурилмалари ва системалари мутахассислиғи бўйича кундузги ва сиртқи аспирантурага қабул этилон қилади. Ҳужжатлар 1993 йил 30 ноябргача қабул қилинади. Имтиҳонлар 1 декабрдан бошлаб ўтказилади. Ҳужжатлар қуйидаги манзилга жўнатилинди: 700089, Тошкент, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Маълумот учун телефонлар: 35-07-63, 35-77-76.

Мустақиллик фарзандлари

ЭЛИНИ АРДОҚЛАЁТГАН ЭР ЙИГИТ

Бундан бир неча вақт илгари Вашингтонда жойлашган Халқаро банкнинг иқтисодий ривожланиш институтининг яқинда мустақилликка эришган давлатларга ёрдам бериш мақсадида Москвада ҳамдўстлик мамлакатлари учун бозор иқтисодиётига бағишланган ўқув семинарини ташкил этди. Унда иқтисодий ривожлантиришнинг долзарб масалалари юзасидан Вашингтон, Лондон, Вена университетларининг йирик олимлари маъруза қилишиб, амалий машғулотлар ўтказдилар. Семинарда бир гуруҳ Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар ҳам таҳсил олишди.

Семинарни ташкил қилишдан асосий мақсад турли мамлакатлардан келган олимлар орасидан энг иқтидорлиларини таллаб олиб, халқаро миқёсдаги мутахассисларни тайёрлаш эди. Тайёрликда устулчилигини аниқлаш учун инглиз тилидаги тест-синов саволларига жавоб беришни талаб этилди. Синов саволларига Москва, Санкт-Петербург, Киев, Тбилиси, Боку, Тошкент, Алмати ва бошқа шаҳарлардан келган иқтисодчи олимлар қатнашдилар. Кўпчиликни ҳайратга солган шу нарса бўлдики, Ўзбекистонлик олимлар биринчи бўлиб синов саволларига тўғри ва аниқ жавоб беришиб, комиссиянинг таҳсинига сазовор бўлишди. Юрдошларимизнинг бу муваффақиятида гуруҳ раҳбари — йирик олим Турсунбой Шодиевнинг чуқур билими, инглиз тилини яхши билиши, бозор иқтисодиёти назарияси ва амалиётини мукаммал ағаллагачлиги кўл келди. Гап шундаки, нафақат чет элларда, балки собиқ Иттифоқдагилар ҳам диёримизни фақат хомашё манбаи, бозор иқтисодиёти тўғрисида фикрлар шаклланмаган бир жой деб юришган. Халқаро семинар раҳбарияти тингловчилар берган жавоблар орасида профессор Т. Шодиевнинг жавобларини энг мукаммал деб топди. Шундан сўнг Халқаро банкнинг иқтисодий ривожланиш институтини раҳбарияти уни шу ерда ўтказилган барна семинарларда маъруза ўқишга жалб қила бошлади.

Т. Шодиев Самарқанд вилояти, Нурута туманининг Борик қишлоғида 1942 йили туғилган. Илк қадамини отанинг чўпон тағини ўшлаб, кўй боқибдан бошлади. Эси киргандан буён кўй, эчкилар орасида яланг оёқ тоғ, адирлар кезиб ўтин йигди, бошқоқ терди. Мактаб ёшига етганда катталар бажаради-

ган ишларни қила бошлади. Давр Турсунбойни меҳнат қилиш, қийинчиликларни енгиш илмига ўргатди. Шунинг учун бўлса керак, у Хатирчи туманидаги ўрта мактабни олтин медал билан битирди. Таътил ойларида қирларда мол боқар, қишга хашак гамлар эди. Уни чўпонлар «эмом танийдиган» дердилар. Турсунбой тўрва-сига яримта нон билан китоблар солиб юрар эди. Чўпон ота буни қувонч билан кузатар ва албатта ўқишга юбораман деб ният қиларди. Шу пайтгача Шодиевлар авлодидан ҳеч ким олий ўқув юртида ўқимаган бўлса ҳам, Турсунбойни бир амаллаб Тошкентдаги шахри азимга ўқишга юборишди.

У йирик олим бўлиб етишгандан кейин ҳам ота-онанинг, муаллимларининг ишончларини ҳар куни ёдда тутди. Оғир ҳаёт қийинчиликларини енгиш малакаси у кишига доно маслаҳатчи бўлди. Ҳалол меҳнат ширин меваларини бера бошлади.

Ҳалол меҳнат ўз эгасини элта танитади, тан олдириради. Турсунбойнинг ғайрат билан ўқиши, оғлиги интизоми талабалар, профессор ва ўқитувчилар орасида обрўини оширди, кейинчалик у институт ёшларининг етакчиларидан бирига айланди. Талабалар даврасидаги фаоллиги фақат ўқув бинолари қаватларида елиб-югуришдан, ёшларга таълим, тарбия беришдангина иборат эмас, балки минглаб тендошларидан, катталардан, кичикларидан ақл ўрганиш ҳамдир. Шунинг учун бўлса керак, Турсунбой талабалар ҳузурида фақат билим бераман, ўргатаман деб қирмайди, балки улардан ҳам ўрганишни ўзинга ор деб биймайди. Эhtiбор бердимки, профессор Турсунбой Шодиев талабаларнинг хато фикрларини ҳам ҳурмат билан эшитди, хатоларнинг илдизларини излайди. Баъзан талабанинг чаллаш фикрини ўқитувчидан излаш керак, деган хулосага ҳам келади. Кўпчилик шу аччиқ ҳақиқатни ҳамкасбларига бегараз ният билан айтди.

Т. Шодиев 1992 йили Анкара университетига таҳсил кўрди. У ерда Ўзбекистон иқтисодининг ҳозирги аҳоли бўйича маърузалар ўқиди, суҳбатлар уюштирди, учрашуларда иштирок этди. Соҳани пухта ўрганиш мақсадида Вашингтон университетига тўрт ой давомида малака оширди. Университет профессорлари, талабаларига мустақил Ўзбекистоннинг қисқа вақт ичидаги ютуқла-

ри ҳақида маърузалар ўқиди, саволларга жавоб берди. Профессор Т. Шодиевнинг ҳавасини келтирадиган яна бир томони шундаки, у ўзбек, рус, турк, инглиз тилларида мазмунли, маърифатли маърузалар ўқийди, илмий изланишлар олиб боради, таржималар қилади. Унинг илмий ишлари, изланишлари, бозор муносабатларини шакллантириш соҳасидаги янги фикрлари кўпчилик хорижий мамлакат олимларига, Халқаро банк ташкилотларига таниш.

Маълумки, Ўзбекистон мустақил давлат сифатида ўзининг биринчи қадамлари билан ҳар хил халқаро ташкилот ва уюшмаларнинг эhtiборини жалб қилмоқда. Шулардан бири — Венадаги Бирлашган иқтисодий институт Тошкент ва Прагада регионал марказларини ташкил этган. Тошкент иқтисодий университети қошида ташкил этилган бу марказга раҳбарликка Турсунбой Шодиевнинг номзодини Вашингтон халқаро банки маъмурияти маъқуллади.

Тошкент Иқтисодий марказида ўрта Осиё жумҳуриятлари, Албания, Булгария, Вьетнам, Мўғулстон каби мамлакатлардан келадиган давлат хизматчилари малакасини оширади. Турсунбой Шодиев Марказ раҳбари сифатида дастурлар тузади, тингловчиларнинг турмуш шароитини жаҳон андозасида бўлишига гамҳўрлик қилади. Жаҳондаги йирик мутахассисларни маъруза ўқишга чақиради. Ҳақ ҳам тингловчилар истасига кўра бир неча тилларда маъруза ўқийди. Семинар машғулотларини олиб боради. Ҳузувини ташкил этиш, ўқитиш жараёнида бошқа олим ва раҳбарлар иштирокида ўзбек халқининг мустақиллик шароитида қўлга киритган ютуқларини тарғибот қилишга қатнашади, бошқа мамлакатлардан келган мутахассислардан, олимлардан бозор муносабатлари ҳақидаги янги фикрларни олиб қолади. Ҳақ навабатида уларни Ўзбекистон ҳаётига татбиқ қилишга киришади.

Олдин чўпон фарзанди тўғрисида қисқача ҳикоят қилиб, қишлоқда яшаётган ўқитувчиларга, ота-оналарга мурожаат қилиб, ҳар бир ўқувчига, ўғил-қизга Турсунбой Шодиев имкониятлари бор, деб бор овозим билан ҳайқиргим келади.

С. УТАНОВ,
Низомий номиядаги Тошкент педагогика институтининг «Одобнома» кафедрасининг мудири

Ой тутилган тун. Зулматнинг ваҳимали қичқирғи хосисор боғларга чўккан. Ҳаммаёқ жим-жит. Фақат тумтароқ шамолнинг мовий кўшиги эшитилади. Ҳамма уйкуда. Фақат қараёт хонаминг ҳорғин кўзларига уйғоқ. Фақат ҳислар талотўлида қолиб кетган қизнинг уйқусираган сочлари қоғозлар уюми орасидан зўрга кўринади. Теграсида эса буюк ишқ саҳросининг девоналари, муҳаббат осмонининг мискин қушлари — Петрарка, Данте, Сапфо, Байрон, Машраб...

Қиз бўлса қоғозлар уюми орасида расм чизаяпти. Бинафшанинг нафармон кўйлаги ҳилпирайди. Ишқ даштидан

Маҳвашим майдон аро белларда жавлон айлади, Эл кўзин ойнадек дийдорига Ҳайрон этиб...

Шу пайт тумтароқ шамолнинг мовий ранг этаги девоналарни очиб юборди. Соғинчга айланган юлдузлар руҳим осмонда сайр қилиб юрган маҳал, эшик очилиб, атлас кўйлак, атлас камзулда, мовийранг қабо ёпинган мелика кириб келди.

«Гулбуни низолат сен сайри боғу майдон эт, Жилва қилмоқ истарсен кўзларимда жавлон эт...»

Ишқ саҳросининг Қайслари ўртасида байт бошланиб кетади. Ҳайратнинг кўзлари,

МОВИЙРАНГ ХАЁЛЛАР

Қатра

ҳайдалган тумтароқ шамол уни беёв тортиқлайди. Ох, бечорагинам. Бинафшанинг ифори тупроқнинг бўйига қоршиб кетганини кўрган капалак рашқдан, алмадан титраб кетди. Унинг мовий ранг қони юзларимга сачради...

Қиз ниқоят бошини кўтарди, унинг кўзлари ўз ҳасратдошини излай бошлади. Қовжирган лаблари эшеър ўқи, — дея ёлборди. Бу қалбимнинг мовийранг кўз ёшлари эди. Мен шеър ўқийман, капалакнинг қони каби мовийранг.

«Фурқат ичра қон ютуб гам бирла четким охи сард, Ким хазон авроникде бўлди юзим ҳажрида зард. Йўлида бошимни фарши рахнузори айладим, Пок эмас жону таним бўлса тиг остида гард...»

Ҳаммаёқ осуда. Фақат руҳим осмонда найсон... Опоқ қушлар... бокира туйғулар...

«Жилва кўрсатди чу ул сарви диларо боғ аро, Чашми кумри бўлди бир чашми тамошо боғ аро. Сурмағун чашми назар солди гулистон аҳдина. Ҳасратидин қолди наргис кўзи шахло боғ аро...»

Нодирбегим... қиз ўзини ҳасратдоши, қалбдошининг шеърини уммонига ташлади.

«Чинди ул гулгун қабо майдон аро жавлон этиб, Гамза тиги бирла ошқини юргини қон этиб.

ҳасратнинг ниғоҳига шеър сийғи кетди. Нодирбегим кетишдан олдин қизнинг орзуниятлари, гаму аламларига қулоқ тутди.

— Бу йўлда сен тонгдан-да шафқоф, булоқдан-да зилол бўлмоғин лозим.

— Розиман маликам...

— Бу йўлдан сен қонлар ютиб, фиғон ичра куюрсен.

— Розиман маликам...

— Тангрим назим гулшанга қадам кўтүргон набирамга овоз бер, руд бер, имкон бер...

Маликанинг қандай чириб кетганини қиз сезмай қолди. Ҳаммаёқ жим-жит. Зулматни иргитиб юборган боғда янроклар шивир эшитилади:

«Эй, сабо, дил розимни беҳабар ёрмига айт, Дарддиг кўнглиминг аҳволини дилдоримга айт. Ҳажр дарддин юракда қолди доғ устида доғ, Шарҳ этиб бу мोजорини лола рўхсоринга айт.

Ой тутган кун. Ҳамма уйкуда. Фақат ҳислар талотўлида қолган қизнинг оловнафас сочлари қоғозлар уюми орасидан зўрга кўринади. Теграсида эса буюк ишқ саҳросининг қаландарлари, муҳаббат осмонининг мискин қушлари — Петрарка, Данте, Сапфо, Байрон, Машраб, Нодирбегим...

Саодат НАИМ қизи

ЎЗБЕКИСТОНДАН

Соғна солиб куйлайини дostonдан,
Еки сўлим дийёр баҳористондан,
Бағри хўб тўлишган ойдек маскандан,
Тоғиданми ёки боғу-бўстондан,
Мустақил юрт жоним Ўзбекистондан.

Ўз йўлини ўзи танлаб яратган,
Халқи мудом меҳнатда доғ таратган,
Жамолига дунёни лол қаратган,
Чўл дийрдан куйлайини дostonдан,
Мустақил юрт жоним Ўзбекистондан.

Дилларни ёритган қутлуг санаси,
Ўзи тинчликсевар халқлар онаси,
Дунё узра машҳур кумуш толаси,
Е нахтадан куйлайини дostonдан,
Мустақил юрт жоним Ўзбекистондан.

Ўзгага ҳусндор унинг ҳар тонги,
Ойнадай қурилган шаҳарлар янги,
Унинг пок йўли бор умрбод мангу,
Хур ўлкадан куйлайини дostonдан,
Мустақил юрт жоним Ўзбекистондан.

Тоғлари ҳазина, чўққисинда қор,
Йўлда қорваси, қири буғдойзор,
Фасли-чи ўзгача, бағри бир баҳор,
Е гулзордан куйлайини дostonдан,
Мустақил юрт жоним Ўзбекистондан.

Боғлари бол ичар Амудан, Сирдан,
Туғанмас бойлиги бу она ердан,
Оллоҳим яратган йўлини курдан,
Бахтимиздан куйлайини дostonдан,
Мустақил юрт жоним Ўзбекистондан.

Умаркул ПУЛКАН ўғли,
Ўзбекистон Езувчилар уюшмасининг аъзоси



Мерос

МАЖДИИ

МУТОИБОТ

НОМИНГИЗ АЛБАТТА УЧИРИЛАДИ

Подшо надимни чақиртириб: «Ушбу шаҳардаги барча аблахларнинг номини рўйхат қилиб кел!» — деб буюрди.

— Хўб бўлади, аълоҳазрат. Ҳаммасини ёзиб олиб келаман, лекин бир шартим бор: рўйхатни олганингиздан кейин мени итоба тутмайсиз.

— Майли, итоб қилмасликка сўз бераман, — деди подшо.

Надим эртаси куни рўйхатни олиб келди. Подшо уни ўқиб кўриб хуни бийрон бўлди, чунки надим биринчи бўлиб унинг номини ёзиб қўйган экан.

— Ҳозирок ўчир, йўқса осиласан, — деб ўшқирди подшо.

— Бандани кечиргайлар, — деди тиз қўчиб надим, — номингиз албатта ўчирилади.

«ЛАЪНАТ» СЎЗИНИНГ МОҲИАТИ

Мирзо Бобур даврида фақиҳ мавлоно Мазид Самарқанддан Ҳиротга бориб қолди. Бир куни Мирзо Бобур мавлоно Мазиддан «лаънат» сўзининг моҳияти ҳусусида нима дейдилар, деб сўраб қолди.

Мавлоно Мазид жавоб қилди: «Бу сўз қабила аҳлига тааллуқли бўлса керак».

Подшо мавлоно Абдураҳмон Жомийга ўтирилиб деди: «Мавлоно Мазид нима дедилар, ўзи? Сиз бунга нима дейсиз?»

— Биз, — деди Абдураҳмон Жомий кулмираб, — мавлоно Мазидга юз қарра лаънат, яна бошқа бир Мазидга юз бор лаънат бўлсин, деймиз.

ХАЛИФАНИНГ КАРОМАТИ

Шайх Зайниддин Хавофийнинг халфаларидан бири Сабаворга келиб қолди. У мавлоно Абдураҳмон Жомийнинг ҳузурда бўлиб каромат қилиб қолди.

— Шу йили, — деди у, — рамазоннинг ўртасида вабо тарқалса керак. Уша мажлисда ўлтирган ақиблардан бири: «Балки бу обат тарқалмаслигининг имкони бордир», деб қолди.

Бошқа бир ақиб: «Имкон»нинг на ақли, на ҳуши бор», деб унга эътироз билдирди.

Мавлоно Абдураҳмон Жомий қўшиб қўйди: «Имкон» деганининг ўзи аслида беақлликдир».

МАҚТАНЧОҚ МУҲАДДИС

Бир куни замон уламоларининг саромадларидан бўлиш мавлоно Ҳофиз Ғиёс муҳаддиснинг тоби қочиб қолди. Мавлоно Абдураҳмон Жомий уни кўргани борди. Мавлоно Ҳофиз Ғиёс аса тасавуфга оид масалалар ҳусусида гап очди. Лекин бу илмдан яхши хабари йўқлиги сабабдан айрим нотўғри гапларни ҳам айтиб юборди. Мавлоно Жомий бутун суҳбат давомида сукат сақлаб, хомуш бўлиб ўтирди. У кетгандан кейин Ҳофиз Ғиёс тўпланган уламо ва фузалого муражаат қилди:

— Мавлоно Абдураҳмон Жомий ҳузурда кўп ҳақоқ ва маориф сўзлар айтди, лекин мавлоно сўзимизга эъти мод қилмадилар.

Бу гапни мавлоно Абдураҳмон Жомийга етказдилар. Мавлоно: «Ул зотнинг гаплари кейинча қулоққа олинур», деб қўя қолдилар.

ЮРТИНГДА ТЎНГИЗ КАМАЙИБ ҚОЛДИ

Гур қозиси қорачадан келган пахмоқ соқол, бесўнақай бир одам эди. Бир йили Ҳиротга иш билан келиб кўп туриб қолди. Бир куни мавлоно сўз аралаш дедилар:

— Ҳиротда кўп туриб қолдинг, чамаси. Нега юртингга қайтмайтсан?

— Сабаби шулки, юртимда тўнғиз кўпайиб кетди, — деб жавоб берди қози.

— Шу кунларда, — деди табассум билан мавлоно, — сен у ердан кетганингдан кейин, тўнғиз анча камайиб қолди.

МАВЛОНО ЖОМИИ ВА ШОИР ХОКИИ

Мирзо Улуғбек замонида мавлоно Абдураҳмон Жомий кўп вақтини Самарқандда ўтказдилар. Бир пайт конигаллик хушрўй, таъби назири бор бир йилгит ҳам Самарқандга келиб қолган экан. У ўзига Хокий сўзини тахаллус қилибди. Бир куни мавлоно Абдураҳмон Жомий хурсонлик бир гуруҳ шоирлар ила бирга Хокий билан кўчада учрашиб қўлибдилар. Хокий мавлононинг кайфиятини бузмақчи бўлиб деди:

— Ассалому алайкум! Хурсонлик узунқулларга йўл бўлсин!

— Устига чиниб бир юмалаб кайф қилайлик, деб Хокийнинг ҳузурига бораётганимиз, — деб жавоб қилибдилар мавлоно.

ШУҲРАТПАРАСТ ШОИР

Бир шоир ғазал битиб мавлоно Абдураҳмон Жомийнинг ҳузурда ўқиди, сўнг қаддини роз қилиб «ғазалини подшо саройининг дарвозасига осиб қўймоқчиман, зеро эл аро шуҳрат топса», деди.

— Унда ғазал сеникилигини қардан билишарми? Эл аро машхур бўламан десанг, ғазалининг ёнига ўзингни ҳам осиб қўй, — деди унга мавлоно Жомий.

Форсчадан Бўрибой АҲМЕДОВ, таржимаси

Мулоҳаза

ЭНСАНИ ҚОТИРАДИ

Қайси куни ишга йўл олаётиб, Тошкент шаҳрининг Қорасув даҳасидаги 63-автотобуснинг сўнги бекатида қўйидаги йезува кўзим тушди: «Гўшани йўқотиб қўйдим. Уни топиб берган одам 1000 сўм олади», яна бири: «Мухторни қидиряман, Мукофоти — 1200 сўм». Хуллас, шунга ўхшаш яна бир неча эълонни ўқиб, негадир энсам қолди.

Шу куни бир рўзноманинг тўртинчи саҳифасидаги яна бир эътиборимни тортди: «Палончи Пистончиев йўқолган» деб хабар берилди, унинг тафсилоти келтирилган ва бу ҳақда яқин орадаги милиция бўлимига ёки «02»га хабар бериш тавсия этилган. Хўш, бу икки билдирувнинг бир-бирига нима алоқаси бор дейишигиз турган гап. Уларнинг бири уй ҳайвонини қидириш ҳусусида бўлса, бошқаси дафъатан бедарак кетган инсон тўғрисида. Гап шундаки, кўплагини қидираётган одам уни топиб берган кишига мукофот пули ваъда қилапти.

Мени кейинги вақтда тошкентликлар орасида ит боқувчилар ҳаддан ташқари қўпайиб кетаётгани ўйлангиларди. Тўғри, ит азалдан инсоннинг яқин дўсти, қолаверса унинг қўриқчиси.

Ҳозирги кунда айрим мактабларнинг ёнги ўйингоҳлари жисмоний тарбия машғулотлари тугати биланоқ ўзига хос итлар сайлгоҳига айланиб қолишига нима дейсиз? Агар сиз ит насли билан қизиқсангиз, шу ерга келинг. Бамисоли кўргазмани эслатади. Кимдир қўлидаги таёқни улоқтириб, ҳайвондан уни топиб келишга ундайди. Яна бошқаси ўз орасидан кўпакни эргаштириб, изни искатади. Хул-

лас, ана шу қол ярим тунгача давом этади. Ҳатто эрталаб ҳам бу антиқа сайрини кузатиш мумкин. Эртасига эса бу майдонга ўйнаш учун келган болаларимиз ит аҳладини устидан чиқишади. Шу ерда улар саломатлик машқларини бажаришади. Қаттиққўл ўқитувчилари талаби билан турли хил синовларни бажариб, имтиҳон топиришади. Ваҳоланки, ҳеч ким бу қолга чек қўйишни ўйламайди. На мактаб матъуряти, на шу ердаги турар-кой идораси мутасаддилари.

Яқинда бир ҳамкасб дўстимизнинг уйига меҳмонга бордик. Ростки, шу ўтиришга қадам ранжида қилганимиздан ўзимиз кейин пушаймон ҳам бўлдик. Учинчи қаватдаги тўрт хонали хонадонда бизни итнинг дўриллоқ овози

«кутиб» олди. Энг ёмони, биз таом еб ўтирганимизда нартис хонанинг ойнали эшигидан зотдор инглиз изкувари «термулиб» турди. Мезбор бўлса гап орасида яхши ити борлигидан, ўти палон пулга олгани ва уйига ундан зўр кўришни йўқлигидан мағрурларди. Дўстимизнинг қўриқчи итдан бизнинг кўнглимиз айнир ва еганимиз татимасди.

Бундан бир неча кун муқаддам ҳамкасбларимдан бири Тошкентда қанча ит ҳисобда борлиги билан қизиқиб қолганининг гувоҳи бўлганим. Тўғри, уй ҳайвонлари ҳам озода ва соғлом бўлиши керак. Улар учун махсус даволаш муассасалари ишлаб турибди.

Хўш, Ўзбекистон пойтахтида қанча уйда кўпкан бор дерисиз? Оз эмас, кўп эмас — 60 миңга яқин экан! Ҳали бу ҳисобга олинган. Рўйхатдан ўтмай, шунчаки тор хоналаримизни баъд қилаётган кучуклар қанчадан қанчал! Буни ҳеч ким аниқ айтиб бера олмайди.

Энди уларни боқиб масаласига келсан. Уша тадриқотчи дўстимизнинг суриштиришча, бир кунда ҳар бир ит камивда ярим кило-

граммгача гўшт ер экан. Наҳотки дерисиз? Бу бор гап! Шундай ҳам озиқ-овқат маҳсулотлари танқис бўлиб турганда итларни ўта камеб емши билан боқатган бойваччалар топилди.

Мени уйда ит боқишга қарши одам, деб ўйламанг. Тўғри, қадимдан ота-болаларимиз ҳам хонадонларда ит сақлашган. Аммо улар қаровни жойига қўйишган. Уй ҳайвонларининг озиқ-овқати рўзгордан ортгани, ювинди, чиқинди бўлган, холос. Ҳозир биз нима қилаймиз? Буни аниқ айтиш қийин. Орамизда ўзи емай, итга едиредиганлар оами? Ҳатто семимли итга тилла тиш қўйдиранлар ҳам топилди.

Хуллас, гапинг пўстқаласи — ҳаммаси меъёрида бўлгани маъқул. Уй ҳайвонларининг аниқ ҳисоб-китоби олсин. Яна бир гап: агар ит боқилса, тегишли нафақа тўлашни ҳам йўлга қўймоқ вақти келди деб ҳисоблаймиз. Тўғри, бу фикр кўп вақт мунозаратга сабаб бўлган эди. Аммо ҳаёт ўзгармоқда. Зати мана ўта ақл билан иш тутишни, беқордан-беқорга исрофгарчиликка йўл қўймайликки тақозо этади.

И. УСОМОНОВ

БИЛИБ

ҚЎЙГАН ЯХШИ

ЧИРОҒИНГИЗ

КУЙИБ ҚОЛСА...

Дафъатан чироғингиз куйиб қолиб, уйингизга қоронғулик қўланка ташласа бундан кўнглингиз зим-зиё бўлиб кетиши турган гап. Шундай пайтларда техникадан унча-мунча хабардор бўлсангиз яхши. Акс ҳолда нима қилишни билмай, лолу ҳайрон бўлиб ўтираверасиз. Хўш, чироқлар бевақт куймаслигининг чораси борми?

Авалло шунга айтиб ўтгани лозимки, электр чироқларнинг ҳимоялаш воситаси сифатида кўпичча ярим ўтказгичли диодлар ишлатилади. Диод оддий элемент бўлиб, унинг асосий хусусиятларидан бири берилган кучланишни бир томонга яхши ўтказишидир. Диодлар кучланишининг катта-кичиклигига мослаб ишлаб чиқарилади. Қандай схемаларда ишлатилишига қараб, улардан ўтаётган кучланиш, қайтиш тоқлари ҳисобга олинади. Ўзгармас ток қабул қилишда ҳам худди шу элементдан фойдаланилади.

Электр чироқларидаги чўлғам вольфрам элемент бўлиб, у кучланиш берилишидан илгари совуқ ҳолатда бўлади. Бундай ҳолатда қаршиинги кичкина бўлган вольфрам элементидан кўп ток оқиб ўтади. Кўплаб лампочкаларни куйишга асосан мана шу ҳолат сабаб бўлади. Бундан ташқари, тармоқдаги кучланишнинг нормадан ортгани ҳам чироқлар куйишига сабаб бўлади. Бу ҳолингиз олдин олин кучланишнинг қисман камайириш ҳисобига амалга оширилади. Кўча чироқларида, уйнинг кириш қисмида бир донга элементни занжирга кетма-кет улаш кифоя қилади. Уйда, ишхоналарда умуман одамлар гажум жойларда бу усулни қўллаб бўлмайди. Бундай ҳолатда диод, тебраниш частоталарини сезиларли ўзгартириш кўриш органларига салбий таъсир этиши мумкин. Яшаш жойларда бу муаммо тўрта элементни «кўприк» шаклида улаш орқали амалга оширилади.

Элементлар тўғридан-тўғри чироқларни узиб-ёқувчи «чирғичлар» нинча хавфсиз ҳолатда жойлаштирилади. Бу вақтда частота тебранишлари сезилмайди, балки чироқлар олдингидан анча текинс ёритади. Бундай усулни қўллаш электр чироқларининг кўрсатилган меъёрдан анча кўп муддатгача ишлатилишига кафолат беради. Ярим ўтказгичли диодларини халқ ҳўжалигида ва турмушда қўллаш кундан-кун тақчил бўлаётган электр лампочкаларини ҳамда қисман электр энергиясини иқтисод қилишда яхши самара беради.

Нурали НОРМАҲМАТ ўғли, муҳандис



Тунги Тошкент

Суратқаш А. ДҲРАЕВ



«САЛАТИ
ХАЗИНИЙ»

Адабиёт музейининг жон куяр тарғибчиси Баҳодир Валиев жуда уфлат инсон. Мақтовниям келиштиради, ниқтовниям қотиради.

Кўлэмалар институтининг бир гуруҳ ходимлари пахтага чиқди. Темура ака Тўрабоев пахта териб қайтач, овқат пиширади. У киши қозоннинг ёнига бориб қолсалар бўлиди. Овқат жуда мазали бўлади. Насимхон Раҳмонов эса пиёлага томат қўшиб «салат» тайёрлайди. Баҳодир Валиев мақтаб-мақтаб уни туширади: «Оҳ, оҳ, салати насимий бўпти, пиёз тўғраши ҳам қотира-сизда Насимхон ака. Ипак бўлиб кетадиз».

Пахта терими тугагач, Баҳодир ака уйдагиларга мақтанлиб, бугун ҳаммаларингиз салати насимий билан меҳ-

Афандулу ХУРЖУНИ



мон қиламан, деб эълон қилибди.

У киши пиёзни келиштириб тўғрабдилару, томатни қанча қўшишни билмабдилар. Салатни қизил, чиройли тайёрлайман деб, томатдан кўпроқ қўшиб юборган экан, жуда нордон бўлиб кетибди. Салати насимийнинг таърифини эшитавериш, муштоқ бўлиб кетган адалари биринчи галда кўпроқ олиб, татиб кўрибдилар ва бош чайқаб:

— Сен янглишибсан, ўғлим, бу салати насимий эмас, салати хазиний бўлипти, — деб баҳо берибдилар.

АРЗОН СОВГА

Будённича мўйлов қўйиб кеккайиб юрган эр хотиндан сўрабди:

— Тугилган кунингга нима совга қилсам экан?
— Совга керак эмас, шу бугундан қолдирмай мўйловингизни олиб ташласангиз бўлиди.

— А?..

«ҒАМБАДА ЭКАН»

— Адажониси, анови материал чиройлимикан? — деб сўради хотин нозлианиб.

— Ҳа, зўр экан.

— Оти ҳам чиройлида қургурни, Ламбада. Тугилган кунингга совга қилмай-сиени?
Кўйлакнинг нархيني билган эр норози тўнғилади:
— Ламбада эмас, ғамбада экан-ку, бу!
Абдураҳмон ЖУРАЕВ

ЛАТИФАЛАР

Эр кутилмаганда хизмат сафаридан қайтиб келса, хотини ўйнаши билан машаққат қилиб ётган эмиш. У тўп-поясасини чиқариб, хотинини отиб ташлайди. Суд маҳали ундан сўрашди:

— Нега сиз ўйнашни эмас, хотинингизни отдингиз?
— Ҳар ҳафта ўйнашларини отаверини жонимга теккани учун энди биратўла хотинингиз ўзини отиб қўя қолдим.

— Мабодо хотинингга йўлбарс ташлаиб қолса нима қилардинг?
— Узи ташланган бўлса, йўлбарс ўзини ҳимоя қилиб олаверсин!

— Алло, қачонгача томи-миздан чакка ўтади?
— 34-31-48 га телефон қилинг!
— Бу таъмирлаш идорасини?
— Йўқ, об-ҳаво бюроси.

Дарсда зерикиб ўтирган ўқувчи муаллимага шундай хат ёзиб узатди: «Мен Сизни севаман». Жаҳлдан чиққан муаллима жавоб қилди: «Болаларни жиним суймайди». Ўқувчи ҳам бўш келмади: «Хотиржам бўлинг, бола бўлмаслигига кафолат бераман».

— Дўконда ўндан ортиқ шляпани кийиб кўрган аёл сотувчига деди:
— Мен мана шунисияни оламан. Қанча тўлашим керак?
— Тўлаш шарт эмас. Сиз шу шляпани кийиб келуваддингиз.

Дўхтир беморга ўқирди:
— Агар узоқ яшайман десагиз, ҳар гал ичкилик ичгингиз келганда олма енг.
— Нималар дейсан, дўхтиржон! Мен шунча олман ея олмайман.

Хотин эрига ҳикоя қиларди:
— Кеча қўшни йўлакдаги эр-хотинлар уйга қайтишгаётганда тепадан ёғиш тушиб кетибди. Эр олдинда бораётган экан, қалласи ёрилибди. Орқадagi хотини соғ қилибди.

— Эри ўзидан кўрсин. Энди доимо хотиннинг орқасидан юрадиган бўлади.

Шаҳардан келган меҳмон чўпондан сўради:
— Бу сизнинг ёши нечада?
— Иккида.
— Айтингчи, ҳайвонлар ёшини қандай билиш мумкин?
— Шохидан билса бўлади.
— Э дарвоқе... Мен эсам сизнинг шох иккита эканлигини пайқамабман ҳам.

Искандар Зулқарнайн қўшинлари билан кимсасиз, хилват бир гўшага бориб қолибди. Ичишга бир кулгум ҳам сув йўқ эмиш. Уддабурон аскарлардан бири кичи-роқ ботқоқликдан қалпоғига сув тўплаб, сарнардга элтибди.

ётганини биласизми, бола-кайлар?

Зулқарнайн сув ичишдан олдин қалпоқдаги ифлос лойқада каламуш ўлимтигининг сўзиб юрганга кўзи тушади. Мана энди ўзингиз айтганичи, у қандай жасорат кўрсатган?

Машҳур кишилар ҳаётидан

БИР КУНИ...

Зулқарнайн сувга тикилиб туриб, деди:
— Бутун бошли қўшиним ташналик азобини тортаётганда мен қандоқ қилиб бу сувни ича оламан?
Шундай дея сарнард сувни тўкиб юборди.
Бу албатта, жасорат эди, ammo унинг заминда нима

- 1. Тиббий-гигиеник
- 2. Гўзал
- 3. Тарихий

Боладар! Эсингизда бўлсин, Сиз ҳам ана шундай гўзал, тарихий жасорат кўрсатишингиз мумкин, айниқса иложсиз-чорасиз қолган дақиқаларда.

ТЕША ТЕГМАГАН ТАПЛАР

Болаларнинг қандай бино бўлиши-ку тушунарли. Хўш, унда лэйлақлар қаёқдан пайдо бўларкин!

Еш, уйланмаган эркак худлик билан аёл юрагининг бир бурчагини юкарага олади.

Узингизни англаб ёт, ammo бу ҳақда ҳеч кимга оғиз очма.

Олтмишини уриб қўйганингизда йўлдан уришеди дея кўрқиб ўзингизни олиб қочиш юрманг: бу даврда уларнинг ўзлари сиздан қочишади.

Тухум пўчоғини ёриб чиқа-


ётган жўжа атроф-муҳитни кўриб, қобигидан чиққиси келмай қолди.

Музлик — ўзидан кетиб қолган сув.

«Хотиним газакка ҳеч нарса бермагани учун ҳам маст бўлиб қолдим».

«Каллани ишлатиш у қодар мушкул иш эмас», — деди бука ва тореодорни шохига илтиб, даст кўтарди.

Йил давомида ахмоқлик қилмасанг, ақлига турмушга чиқшинг мумкин.



Изоҳнинг ҳождати йўқ.

БОЛАНИНГ ТИЛИ ШИРИН

Тугруқхона ёнидан ўтаётган тўрт ёшли қизалоқ онасининг этагидан тортиқилаб, деди:

— Ая, ая, ануви ерда чақалоқ сотилаётганга ўхшайпти. Ҳамма кўтариб чиқапти. Юринг, менга ҳам укача олиб беринг.

Троллейбусга тикилиб турган Сунбула асига ўйчанлик билан деди:
— Анави машинаям Элбекка ўхшаган шўхатой экан, онаси шохидан бойлаб қўйибди. Энди у Янглаб, бувисиникига арза кетаяпти.

Шаҳар кўчаларидан ўтиб бораётган қўй ва қўзиларни кўрган Шахло онасидан сўради:

— Уларниям боғчага олиб кетаяптиларми?

Шерзод юк кўтараётган крании кўрсатиб, деди:

— Анавиам бизнинг дадамизга ўхшаб машқ қилаётганга ўхшайди.

Поездга илк марта чиққан Сардош дадасидан сўради:
— Бу вагон ҳам «кейинги бекат Ҳамза» қилиб гапиладими?

Исеиқ кийиниб, боғчага кетаётган Оловиддин дарахларга қараб, қайғуриб сўради:

— Дада, дарахлар қўйлагини ечиб қўйибдику-у. Совқотмайдими энди?!

Шаҳарга илк марта келган Адиба балинд биноларга термулиб қолди:

— Нимага бу елда ҳамма уйлаб бил бивонини устига чиқиб олган?

Дадаси билан трамвай кутиб турган Фарҳод дадасининг пишига кириб сўради:
— Дада, анави келаятган бир кўзали девга ўхшаб кетаяпти. Қочмаймизми?

— Шаҳарда зерикмайдсанми, қизим?

— Зерикашман.

— Унда нега борасан? Шу ерда биз билан қолаверда.

— Шаҳарда дадамлар менсиз зерикиб қоладиларда!

А. ЖУРАЕВ

МУАССИС: Ўзбекистон
Республикаси Алоқа
Вазирлиги

Бош муҳаррир:
Шодмон ОТАБЕК
ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Шухрат ЖАББОР
Анатолий КУДИНОВ
Мирпўлат МИРЗО
Тоҳир РАҲИМОВ
Ислом УСМОНОВ
(бош муҳаррир

ўринбосари)
Ёкубжон
ХУЖАМБЕРДИ
Бобохон ШАРИФ

ЖАМОАТЧИЛИК
КЕНГАШИ:

Бўриной АҲМЕДОВ
Билал АМИНОВ
Шоҳруҳ АҚБАРОВ
Саидмаҳмуд
АҚБАРОВ
Меҳмонкул
ИСЛОМҚУЛОВ
Жамол КАМОЛ
Тўлқин
ЛУТФУЛЛАЕВ
Тоғай МУРОД
Сафар ОСТОНОВ
Нуралӣ ҚОБУЛ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000,
Тошкент-35, А. Толстой кў-
часи, 1.

ТЕЛЕФОНИМИЗ: 32-36-42,
32-35-29, 44-29-09.

ИНДЕКС: 64800
ЖУМА КУНЛАРИ
ЧИҚАДИ

Муҳарририятга келган кўлэмалар (2 ораликда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар жасуудияти муаллифлар жиммасидадир.

Ҳўйзагга олинш № 000011.

Бўртма № Г—616.
24480 нуسخада чоп этилды.

Офсет усулида
босилди.
Формати А-3, ҳажми 2
босма табақ.

Ўзбекистон
Республикаси
Президенти
маҳкамасининг
Ишлар Бошқармаси
хузуридаги «Шарқ»
нашриёт-матбаа
концерни.

Корхона манзили:
Буюк Турон
кўчаси, 41-уй.
1 2 3 4 5 6